

# **БОЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲИССИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.**

**USAT Илмий тадқиқотлар,  
инновациялар ва илмий-педагог  
кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи  
п.ф.ф.д (PhD) Н.Эргашева**

Миллий ғурур ҳисси – инсоннинг ўзи туғилиб ўсган юртининг тарихини, маданияти, она тилини, миллий, умуминсоний қадриятларини билиш, аждоддан авлодга мерос бўлиб келаётган урф одатларни сақлаб қолиш ва уни келажак авлодларга асраб авайлаб етказиш, миллат ва ватан тараққиётига хизмат қилиш демақдир. Болалар шахсида ҳаллолик, садоқат, виждонийлик, инсонийлик, ватанпарварлик, ахлоқий фазилатлар, ор-номуслилиқ, яқинларига меҳрибон ғамхўр бўлиш каби фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бундай фазилатларни шакллантириш омилларини аниқлаш ва методларини қайта ишлаш, такомиллаштириш ҳозирги педагог олимлар олдига қўйган долзарб муаммолардандир.

Таълим-тарбия ичидағи куп йиллик изланишларимизга кўра таълим тизимида тўғридан тўғри миллий ғурурга оид билим беришга қаратилган илмий сўзлар ўрнига ривоят, эртак, афсона, матал, тарихий буюк шахслар ҳаёти асос бўлган ҳалқ афсоналари Болаларга тез ва самарали таъсир кўрсатади. Шу ўринда буюк сиймолар, мутафаккирларнинг бола тарбияси, камолотидаги ўрни бекиёсдир.

Миллий ғурур она сути, ота намунаси, авлод-аждодларнинг ирсий хусусиятлари, ахлоқ-одоб мезонлари орқали фарзандлар онгига сингдирилади. Она алласи факат гўдакларнинг ором олиши учун айтилмайди. Аллалар воситасида болалар кўнгил дунёси миллий маънавий қадриятлар билан тўйинтирилади. Ватанга меҳр-муҳаббати авлод-аждодларга чин ворислик билан боғлиқ наслий туйғулар, баҳт-саодати билан йўғрилган порлоқ истиқбол орзузи аллаларда ўзининг юксак ифодасини топгандир.

Фарзандлар оналарнинг узун тунлар айтган аллалари, ривоят-эртаклари билан бирга бува-бувиларининг ўгитлари, панд-насихатлари асосида ҳаётга назар ташлайди. Ёш хусусиятларига кўра, мактабгача ёшдаги болалар ҳикоя, эртак, мақол, ривоят, достон, шеър, қўшиқ ва масалларни яхши қабул қиласди. Аллаларнинг мантиқий давоми бўлган бадиий асарлар мутоласи туфайли уларнинг фикри ўсади, дунёқарashi кенгаяди, ҳаётда нима яхши-ю нима ёмонлиги хусусида дастлабки хулосалар шаклланади.

Эртакларнинг тарбиявий аҳамияти хусусида профессор Н.Ортиков ёзади: “Ота-оналарнинг тунда уйқу олдидан айтиб берган эртакларидан фарзандлари руҳий озиқ олганлар, ҳаётдаги ва одамлардаги яхши фазилат, ёмон хусусиятларни билиб олишган, ҳурмат, мурувват, адолат каби тушунчалар ҳакида тасаввурга эга бўлишган. Натижада бутун ҳаётлари давомида эртаклар уларнинг доимий ҳамроҳи, ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қиласди ва ҳозир хам ана шундай”[7.856]. Айниқса, ватанпарварлик

қадриятларига доир жанговарлик эртакларида асосий мавзу элат ва юрт мудофааси инсоннинг киндик қони томган муқаддас замин олдидағи фуқаролик бурчи, ватанпарварлик, содиқлик, билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Уларда жангут жадалларга доир воқеа-ходисалар тасвири миллий ғуур ва эътиқод, бурч ва мастьулият тарбиясига хизмат қиласи. Халқ эртакларининг қаҳрамони душманни қувиб юртдан чиқиб борар экан, она тупрокдан бир сиқим олиб: “Ўлсам кафаним бўласан, ўлмасам чопоним бўласан”, - деб чўнтағига солиб қуяди. Қалбида Ватан туйғуси жўш урган баҳодир сиймосининг ана шу шаклда акс этиши жанговарлик типидаги эртакларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Мактабгача таълим тизимида афсона, эртак ривоятларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим тарбия жараёнида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида болаларга буюк сиймоларнинг ватанпарварлик, миллий ғуур, миллий ўзлик мавзуларидағи эртак, ривоят ҳикоялардан фойдаланиш, тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи афсоналар; учинчиси - жангнома типидаги афсоналар ёки қаҳрамонлик афсоналаридир. Бу хилдаги асарлар мактабгача ёшдаги болаларни ватан, эл-юрт равнақи йўлида мардлик ва жасорат кўрсатишга руҳлантириш билан муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Широқ ва Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир. Мазкур афсоналарда Широқнинг Ватан дахлсизлиги йўлидаги фидоийлиги Тўмариснинг душманга бўлган кучли нафрати, ўғли Спартангизнинг аянчли тақдири, ўз юртига бўлган муҳаббати уни душманга омонлик, шафқат қилмаслиги, ёки Жалолиддин Мангубердининг душманга Ватанининг бир қарич ерини бермаслик туйғуси болаларда кучли тасурот қолдиради. Ҳаётий воқеалар бадиий уйдирмалар воситасида ҳикоя қилинган реалистик характердаги оғзаки ижод турларидан бири ривоятлардир. Ривоятларда тарихий воқеалар ва тарихий буюк шахслар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар, уларнинг ижтимоий ҳаёти, майший турмуш тарзи, географик жойлар - саҳро, кўл, чўл, денгиз, шаҳар, қишлоқ, қалъа, сарой ва бошқаларнинг барпо бўлиши ҳамда вайрон қилинишига оид воқеалар талқини туради, ўз навбатида болаларни руҳлантирадиган, уларни ватанпарварлик, миллий ғуур ҳиссини шаклланишига хизмат қиласидиган жараёндир. Ривоятларда халқимизнинг ақл ва тадбиркорлиги, вафо, яхшилик ва одамийлик каби илғор ғояларида жамиятда учраган адолатсизлик, зўрлик, хақсизлик ва адоват, баҳиллик ва жабр-ситамлар чиройли бадиий тилдан ҳикоя қилинади, ўз навбатида болалар шуурида тўғри талқинни шакллантириб беради. Миллий ғуур она сути, ота намунаси, аждодларнинг ирсий хусусиятлари, аҳлоқ-одоб мезонлари орқали фарзандлар онгига сингдирилади. Она алласи фақат гўдакларнинг ором олиши учун айтилмайди. Аллалар воситасида болалар кўнгил дунёси миллий маънавий қадриятлар билан тўйинтирилади. Ватанга меҳр-муҳаббати аждодларга чин ворислик билан боғлиқ наслий туйғулар, баҳт-саодат билан йўғрилган порлок истиқбол орзуси аллаларда ўзининг юксак ифодасини топгандир. Фарзандлар оналарининг узун тунлар айтган аллалари, ривоят-эртаклари билан бирга

бува-бувиларининг панд-насиҳатлари асосида ҳаётга қадам ташлайди. Ёш хусусиятларига кўра, мактабгача ёшдаги болалар ҳикоя, эртак, мақол, ривоят, достон, шеър, қўшиқ ва масалларни яхши қабул қиласди. Аллаларнинг мантиқий давоми бўлган бадиий асарлар мутолааси туфайли уларнинг фикри ўсади, дунёқараши кенгаяди, ҳаётда нима яхши-ю нима ёмонлиги хусусида дастлабки хуносалари шаклланади. Асарлардаги бадиий қаҳрамонларга ўхшаш тадбир олишга, ақлан, аҳлоқан аждодларга муносиб фарзанд бўлиш фикри шаклланиб боради. Эртаклар, ривоятлардаги ижобий образлардан болалар руҳланади, маънавий озуқа олади. Салбий образлардаги хусусиятлардан нафратланади, шу тариқа бадиий асарлар болаларда миллый гуур ҳиссини шакллантиришга хизмат қиласди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
4. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 104 б.
5. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
6. Азаров Ю.П. Оила педагогикаси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 272 б.
7. Ортиқов Н., Миллый ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини аҳлоқий шакллантириш. Пед.фан.док. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 305 б